

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>М.Холиқов, М.Мелиқўзиева</b>	
Балиқларда учрайдиган юқумли касалликлар.....	163
<b>И.Сиддиқов</b>	
Олий таълим муассасалари ходимларини бошқаришнинг замонавий усуллари.....	167
<b>И.Рахимов</b>	
Янги Ўзбекистонда маҳалла институтининг стратегик босқичлари.....	171
<b>Ф.Абдулбоқиев</b>	
Фарғона водийси демографик ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари.....	175
<b>М.Саидакбарова</b>	
Алишер Навоий жамият равнақи ва инсон омили ҳақида.....	179
<b>Я.Нишанов</b>	
Бадиий асарнинг миграция омиллари.....	182
<b>Г.Қосимова</b>	
“Бобурнома”да эпик баён ва лирик ифода.....	184
<b>Г.Орипова</b>	
Лирик композицияда қофиянинг ўрни.....	187
<b>Ш.Каримова</b>	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилшунослигида қўшма гапларга турли ёндашувлар.....	190
<b>Э.Ибрагимова</b>	
Сўзловчи муносабатининг эстетик функцияси.....	192
<b>Д.Рустамов</b>	
Мулоқот турлари классификацияси хусусида.....	195
<b>Г.Розиқова,</b>	
Маҳмуд Кошғарий “Девон” ида нон билан боғлиқ тушунчаларнинг лисоний ифодаси.....	201
<b>М.Алиева</b>	
Терминологик майдон бирлиги.....	204
<b>М.Абдураҳманов</b>	
Таржимада муқобилсиз лексиканинг айрим хусусиятлари .....	208
<b>Г.Исакова</b>	
“Қанотли сўзлар”да ватанпарварлик туйғуси.....	211
<b>С.Қурбонова</b>	
Прагматик тадқиқот асосларига доир.....	214
<b>Н.Ахмаджонов</b>	
Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида прецедент номларнинг ўрганилиши.....	217
<b>Х.Сотвалдиева</b>	
Халқ мақоллари ва маталлари, улардан дарс жараёнида фойдаланиш.....	221
<b>Р.Юлдашов</b>	
Педагогик ташхис – ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш воситаси.....	225
<b>М.Рустамов</b>	
Бурҳониддин ал-Марғиноний асарларининг ёшлар таълим-тарбиясидаги аҳамияти.....	228
<b>А.Тураханов</b>	
Техник тайёргарлик жараёнида спортчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари.....	231

#### ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ

<b>Забардаст туркийшунос олим.....</b>	<b>234</b>
<b>Академик Шокир Қосимович Фармонов 80 ёшда.....</b>	<b>237</b>

## ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ДЕМОГРАФИК РИВОЖЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

### ОСОБЕННОСТИ ДЕМОГРАФИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

### CHARACTERISTICS OF DEMOGRAPHIC DEVELOPMENT OF FERGANA VALLEY

Ф.Абдулбоқиев <sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ф.Абдулбоқиев

— Ўзбекистон Миллий университети, тарих факультети таянч докторанти.

#### Аннотация

Мақолада мустақиллик йилларида Фарғона водийсидаги демографик жараёнларнинг ривожланиши, аҳолининг ёш ва жинс таркиби, аҳолининг иш билан таъминланиш даражаси ва водий вилоятларидаги шаҳар ва қишлоқларнинг демографик салоҳияти акс эттирилган.

#### Аннотация

В статье отражено развитие демографических процессов в Ферганской долине в годы независимости, возрастной и гендерный состав населения, уровень занятости и демографический потенциал городов и сел долины.

#### Annotation

This article reflects the development of demographic processes in Fergana Valley during the years of independence, the age and sex composition of the population, the level of employment and the demographic potential of cities and villages in the valley.

**Таянч сўз ва иборалар:** демография, аҳоли бандлиги, аҳоли таркиби, зичлик, ёш таркиби, демографик салоҳият.

**Ключевые слова и выражения:** демография, занятость, состав населения, плотность, возрастная структура, демографический потенциал.

**Keywords and expressions:** demography, employment, population composition, density, age structure, demographic potential.

Республикадаги алоҳида демографик вазият ўз ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлини танлаб олиш зарурлигини белгилаб берувчи ғоят муҳим хусусиятлардан биридир. Кейинги ўн йилликлар мобайнида республика аҳолиси ҳар йили ўрта ҳисобда 2,5-3 фоизга кўпайиб борди, бу эса иқтисодий ўсиш суръатига, иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилишга алоҳида талаблар қўяди. Республика иқтисодиёти ҳаддан ташқари оғир демографик юкни сезиб турибди. Ўзбекистон ялпи ички маҳсулот ҳажми жиҳатдан Сингапур, Иордания, Бирлашган Араб Амирликлари, Ирландия ва шу каби бошқа мамлакатлардан ўзиб кетган бўлса-да, жаҳонда аҳоли жон бошига ҳисобланганда, Бутун жаҳон банки маълумотларига кўра, ўртача даражадан паст даромад олувчи мамлакатлар жумласига киради. Аҳоли таркибида болалар ва ўсмирларнинг кўплиги ҳам демографик вазиятнинг ўзига хос хусусиятларидандир. Маълумки, болалар ва ўсмирлар давлат томонидан ҳимояга олинган, айниқса, муҳтожлар. Аҳолида оила аъзолари сонининг кўплиги Ўрта Осиё

минтақасидаги бошқа мамлакатлар каби Ўзбекистонга ҳам хос хусусиятдир. Республикада оиланинг ўртача сони 5,5 кишидан иборат, бир қанча вилоятда эса 6 кишидан ошади, ваҳоланки, бу кўрсаткич МДҲнинг Европа қисмидаги мамлакатларда 3,2 кишини ташкил этади. Республика миллий таркибининг ўзига хослиги – унинг фарқлантирувчи хусусияти. Этник таркибда туб аҳоли устун мавқени эгаллайди. Республикада яшаб турган аҳолининг 83,4 % дан кўпроғини ўзбеклар ташкил қилади [1,7].

Ўзбекистон туғилиш даражаси ва аҳолининг табиий ўсиши юқори бўлган мамлакатлар жумласига киради. Аҳоли сонининг жадал кўпайиб бориши азалдан Ўзбекистонга хос хусусият бўлиб келган. Масалан, 1991 йили аҳоли сони 20607,7 мингга, 2006 йилда 26312,7 мингга, 2019 йилда эса 33724,9 мингга етди [2,58].

Дарҳақиқат, туғилиш даражасининг юқорилиги, албатта, аҳоли орасида серфарзандликка мойил бўлган ўзбеклар ва маҳаллий миллат вакилларининг кўпчиликини ташкил этиши, аҳолининг ярмидан кўпи

қишлоқларда яшаши жинс таркибининг ижобий томонга ўзгариши билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орасида ўз демографик салоҳиятига кўра Фарғона водийси етакчи ўринларни эгаллайди. Фарғона водийси ўзининг демографик тарихи билан бошқа

минтақалардан фарқ қилади. Шу боис водийнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва демографик жараёнларига тўғри баҳо бериш, ҳудудлардаги аҳолининг такрор барпо бўлишини мукамал ўрганиш ва аҳоли бандлиги даражасини ошириш катта аҳамият касб этади.

**Фарғона водийси аҳоли зичлиги**  
(1 кв.км га тўғри келадиган аҳоли сони, 1-жадвал) [3]

№		2000	2005	2010	2015	2019
1	Ўзбекистон Республикаси	54,6	58,0	62,4	69,1	75,1
2	Андижон вилояти	520,5	557,8	592,8	664,5	723,3
3	Наманган вилояти	260,0	280,2	303,6	343,3	375,8
4	Фарғона вилояти	397,7	424,0	454,8	509,6	552,2

Водийда аҳоли зич яшайди. Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида Андижон вилоятининг бир квадрат километрга 520,5 киши тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 557,8, 2010 йилда 592,8, 2015 йилда 664,5, 2019 йилда 723,3 кишига тўғри келди. “Бу вилоят нафақат

республика даражасида, балки МДХ таркибидаги мамлакатлар орасида аҳоли зичлиги бўйича энг юқори ўринни эгаллайди” [4,30]. Аҳоли зичлиги Наманган вилоятида 375,8 кишини, Фарғона вилоятида эса 552,2 кишини ташкил этмоқда.

(1-жадвал)

**жадвал)**

**Мустақиллик йилларида Фарғона водийси аҳолисининг ўсиш кўрсаткичлари** (млн ҳисобида, 2-жадвал) [5]

№		1991	1995	2000	2005	2010	2015	2019
1	Ўзбекистон Республикаси	20607,7	22461,6	24487,7	26021,3	28001,4	31022,5	33724,9
2	Андижон вилояти	1789,0	1987,0	2186,2	2342,7	2549,1	2857,3	3110,1
3	Наманган вилояти	1551,8	1735,2	1924,3	2073,2	2258,5	2554,2	2795,7
4	Фарғона вилояти	2214,6	2432,6	2664,4	2840,9	3074,6	3444,9	3733,1

Фарғона водийси республикада аҳоли (1991 йилда 5555,4 минг, 2019 йилда 9638,9 минг) энг мужассамлашган ҳудуд ҳисобланади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон бўйича аҳолиси 3 миллион 857 минг кишидан иборат бўлган ҳудудлардан бири Самарқанд вилояти бўлса, яна бири Фарғона вилояти (3 миллион 733 минг) бўлиб, бу кўрсаткич юқори даражада ўзлаштирилган Андижон вилоятида (3 млн 110 минг) ва Наманган вилоятларида (2 млн 795 минг) ташкил этмоқда. Фарғона вилояти аҳолиси Сирдарё вилояти аҳолисидан тўрт баробар, Навоий вилояти аҳолисидан 3,5 баробар кўпдир. Андижон ҳамда Наманган вилоятлари аҳолиси эса Сирдарё аҳолисидан уч марта, Навоий вилояти

аҳолисидан 4 марта, Жиззах вилоятининг аҳолисидан уч ярим мартаба кўп. Ваҳоланки, майдонининг катта қисми чўллардан иборат Навоий вилоятида республика аҳолисининг 3,1 фоизи яшаса, майдони энг кичик бўлган Андижон вилоятида мамлакатимиз аҳолисининг 9,2 фоизи истиқомат қилади **(2-жадвал)**.

“Фарғона водийси, жумладан, Фарғона вилоятида табиат, аҳоли ва хўжалиги пирамида шаклида тасвирланса, табиати “юпқа” ва нозик, демографик юки катта, хўжалиги ўртача кўрсаткичга эга бўлган. Аҳоли ва хўжаликнинг биргаликдаги таъсири ўзига хос зўриқиш, кучли антропоген босимни келтириб чиқаради. Минтақанинг асосий ижтимоий-географик муаммоси ҳам

ана шу босимни енгиллаштириш, аҳоли ҳаёти ва фаолияти учун тегишли шарт-шароитлар яратишдан иборат бўлмоғи лозим. Сабаби, айнан демографик босим, ер-сув захираларининг етишмаслиги, озлиги минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида янгича, замонавий индустриал-инновацион ривожланиш стратегияси ва йўналишларини тақозо этади.”[6]

Водий туманларидаги кўрсаткичлар ҳам ўзига хос бўлиб, аҳоли салоҳияти бўйича водий ҳудудларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Аҳолининг демографик салоҳияти юқори бўлган туманлар: (170,0-222,0 минг киши) – Шаҳрихон, Чуст, Андижон, Қува, Асака, Избоскан, Ўзбекистон, Уйчи, Фарғона, Учкўприк туманлари.

2. Аҳолининг демографик салоҳияти ўртача ҳудудлар: (122,3-169,7 минг киши) – Наманган, Бешариқ, Тўрақўрғон, Бувайда, Олтиариқ, Поп, Янгиқўрғон, Бағдод, Қўрғонтепа, Риштон, Чортоқ, Косонсой, Тошлоқ, Балиқчи, Пахтаобод, Жалақудуқ, Қўштепа, Данғара, Учкўприк, Олтинкўл, Марҳамат, Норин туманлари.

3. Аҳолининг демографик салоҳияти паст туманлар: (46,0-107,5 минг киши) – Булоқбоши, Мингбулоқ, Фурқат, Хўжаобод, Ёзёвон, Сўх, Улуғнор туманлари [7,70].

Аҳолининг демографик салоҳияти паст ҳудудларнинг айримлари собиқ тузумнинг бўш ерларни ўзлаштириш сиёсати натижасида ташкил этилган туманлар бўлганлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, республиканинг мустақиллик йилларидаги демографик сиёсати натижасида аҳоли талабларининг инobatга олиниши ва ҳудудларнинг имкониятидан келиб чиқиб бир туманнинг иккига бўлиниши ҳам туман аҳолиси сонига ўз аксини топади. Хусусан, Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани таркибидан Булоқбоши тумани ажралиб чиққан, унинг маъмурий маркази — Булоқбоши қишлоғи. Фарғона вилоятида Фурқат райони ташкил этилиб, унинг маркази қилиб Навбахор аҳоли пункти белгиланди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раёсати қарори билан Янгиқўрғон районидаги Ленинобод қишлоғининг Пахталикўл, Тельман ва Қизилкўприк пунктлари Наманган шаҳрига қўшиб юборилди [8,86]. Водий аҳоли салоҳияти, унинг ўта зич жойлашгани натижасида бандликка хос муаммоларнинг

мураккаблашуви жараёни юз берган. Ушбу жараёнларни тўғри тушуниш учун аҳолининг ўсиш суръатини, таркибини атрофлича таҳлил қилиш зарур, чунки аҳоли салоҳиятининг ошиб боришида унинг ўсиш даражаси муҳим ўрин тутди. 1991 йилдан 1998 йилгача водийда аҳоли сонининг аввалги йилларга нисбатан ўсиши (ўртача 102,2%) бир маромда давом этган. 1999-2006 йиллар орасида аҳоли сонининг ўсиши пасайиб, ўртача даража 101,4 фоизга тенг бўлди. Бу кўрсаткич бугунга келиб 101,9 ни ташкил этмоқда.

Водий аҳолисининг ўсишига республикада бўлгани каби умумий хусусиятлар билан бирга ўзига хос омиллар ва шарт-шароитлар ҳам таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолат статистик маълумотлар асосида ўрганилса, Фарғона водийси аҳолисининг 1991 йилга нисбатан бугунги кунга келиб ўсиш даражаси Жанубий минтақадан 11 % камлиги кузатилса, бошқа минтақалардан эса олдинги ўринда туради, Тошкент регионидан 24,2 %, Мирзачўл минтақасидан 4,5 %, Зарафшондан 4 %, Қўйи Амударё минтақасидан 3 % кўплиги билан фарқланади. Наманган вилояти Ўзбекистонда табиий ўсиш юқори бўлган вилоятлардан бири бўлиб келган [9,50]. Яъни, аҳолисининг ўсиши республика ҳудудлари ичида тўртинчи ўринни эгаллаган. Ҳозирда Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларидан ташқари юқори даражага эга бўлди.

Туғилиш коэффициенти бугунги кунда Андижонда 20,5, Наманган вилоятида 22,2, Фарғонада вилоятида 20,2 промиллени ташкил этмоқда. Водий бўйича туғилишнинг ўртача даражаси Наманган вилоятида нисбатан илдамроқлиги билан фарқланади. Ҳудудлар бўйича эса аҳолининг туғилиш даражаси ўрганилганда, Бувайда, Косонсой, Бешариқ, Ўзбекистон, Олтиариқ, Бағдод, Ёзёвон, Данғара, Қўштепа, Риштон, Фурқат, Учкўприк, Олтинкўл, Пахтаобод, Бўстон, Хўжаобод, Марҳамат, Жалақудуқ, Шаҳрихон, Қўрғонтепа, Улуғнор туманларида ҳам туғилишнинг умумий коэффициенти водий кўрсаткичлари (24,8 %) дан баланд бўлган. Энг кам туғилиш кўрсаткичига эга ҳудудлар Фарғона, Қувасой, Асака шаҳарларидир. Қолган туманлар ва шаҳарлар ўртача кўрсаткичга эга. Аҳолининг табиий кўпайишида водийнинг демографик хусусияти муҳим ўрин тутди. 1991 йилда табиий кўпайиш 166,3 минг кишига етган.

1991-2006 йиллар орасида табиий кўпайишнинг ўртача даражаси 128,0 минг кишидан иборат бўлган.

Аҳолининг ўсиш манбаларидан бири сифатида унинг жинси таркибини ҳам мисол қилиш мумкин. Мамлакат аҳолисининг ёш ва жинси таркибида катта мутаносибликларнинг бўлиши у ердаги аҳоли ўртасида никоҳланиш кўрсаткичларининг камроқ бўлишига олиб келади [10]. Ер юзида аёлларга нисбатан эркаклар кўпчиликини ташкил этади [11,82]. Республикада, хусусан, Фарғона водийси аҳолисининг мустақиллик йилларидаги жинс таркиби аҳоли ўсишига қулай имконият яратди. 1991 йилда водий аҳолисининг 49,4 фоизи

эркаклардан иборат бўлган. Йиллар давомида эркаклар сонининг ортиб бориши натижасида 2002 йилга келиб, эркаклар ва аёллар сони тенглашди. 2019 йилга келиб эркаклар сони ортиб, 50,4 фоизни ташкил этди.

Шундай қилиб, Фарғона водийсидаги демографик жараёнлар аҳоли салоҳиятининг ошиши, ўлим даражасининг пасайиши, аҳолининг ёш, жинс, миллий, ҳудудий, оилавий таркибидаги ўзгаришлар, унинг ўртача умр кўриш даражасининг ортиши, аёлларда туғиш ёшининг кўтарилиши, фарзанд кўриш кетма-кетлигининг камайиши, урбанизация, миграция кабилар таъсирида шаклланди.

#### Адабиётлар:

1. Қўчқорова М. Ижтимоий демографик гуруҳлар социологияси. — Фарғона. 2012.
2. Численность населения Узбекистана. Госкомстат Узбекистана. Стат. сбор. — Т., 2019.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йилги расмий маълумотлари асосида.
4. Ўзбекистон тарихи: қисқача маълумотнома. — Т.: Шарқ, 2000. Ўзбекистон мустақиллик йилларида. — Т.: Тиббиёт, 2000.
5. Численность населения Узбекистана. Госкомстат Узбекистана. Стат. сбор. — Т., 2019.
6. Солиев А. ва бош. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. —Т.: Mumtoz soz, 2010 —
7. Хаджамуратова М.Х. Фарғона водийсининг демографик тарихи. (1991-2006 йй.): тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссер... — Т.: ЎЗМУ, 2011.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Раёсати қарори. 1993, 8 январь. -№776-XII //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1993, феврал, 2-сон(1202).
9. Абдуллаев О. Наманган вилояти (табиати, аҳолиси, хўжалиги). —Наманган, 1995.
10. <http://www.ziohet.uz/ru/library/book-17755/libid/10200/>
11. Борисов В. Демография. Учебник для вузов. —М.: NOTA BENE, 1999.